# ХАЛҚ КОНТРОЛЁРИНИНГ ЮКСАК ГРАЖДАНЛИК БУРЧИ

(Боши биринчи бетда).

Бироқ келинглар, эришилган натижаларнигина эътиборга олмай, бошқа жиҳатларга ҳам назар ташлайлик. Келинглар, ҳозирги аҳволни социализм илмий назариясининг олий талабларига таққослаб кўрайлик. Ленин социалистик жамиятда контрол қилиш иши чинакам умумхалқ иши бўлиб қолиши керак, деб таълим берган эди. У Совет ҳокимиятининг илк палласида келажакка назар ташлаб, «Контрол аввал ишчи ташкилотлари томонидан, кейинчалик **ёппасига** ҳамма аҳоли томонидан амалга оширилиши керак», деб ёзган эди. Бунда у «ёппасига» сўзининг остига чизиб қўйган эди. Ҳозир ҳам партия масалани худди ленинчасига қўймоқда. Айни худди шу мақсадга интилиш керак. Ҳар бир — диққат қилинг, — ҳар бир совет кишиси ўзини халқ контролёри деб билиши, у мана шу юксак гражданлик вазифасига мувофиқ равишда ўйлаши ва иш кўриши лозим.

Сизлар менинг фикримни тўғри тушунасизлар, деб ўйлайман. Бу ўринда гап халқ контролининг минглаб комитетларидаги штатларни кенгайтириш билан шуғулланиш ҳақида асло бораётгани йўқ. Сизларнинг айниқса район, шаҳар бўғинингизда штатли ходимлар кўп эмаслигини яхши биламиз. Бу ўриндаги муҳим нарса рақамлар эмас. Муҳими — ишнинг моҳиятидир. Моҳият эса шундан иборатки, халқ контролини ривожлантириш социалистик демократияни чуқурлаштиришнинг зарур йўналишларидан биридир.

Бизнинг демократиямиз ҳар бир кишига ўзининг мамлакат хўжайини эканини актив кўрсатиш ҳуқуқини беради ва унинг зиммасига шундай вазифани юклайди. Контрол қилишда қатнашиш шу ҳуқуқдан фойдаланишни ҳам, бу вазифани англашни ҳам яхшилаб ўргатишини сизлар ўз тажрибангиздан биласизлар. Партия сизларнинг ишингизга янги-янги миллионлаб меҳнаткашларни жалб этиш заруратига мана шу энг асосий, таъбир жоиз бўлса, стратегик нуқтаи назардан қарайди. Мана шу меҳнаткашлар бевосита лавозими жиҳатидан бўлмаса ҳам, ўз ижтимоий фаолиятининг руҳи ва мазмуни жиҳатидан, аввалига лоақал ўз меҳнат коллективларида ҳақиқий талабчан халқ контролёрлари бўлиб қолсинлар. Улар — Ленин сўзлари билан айтганда, — «энг оддий ишлардан бошлаб... аста-секин давлат ишларида муҳимроқ ролларни бажаришга» ўтаверсинлар.

Реаллик — демократиямизнинг бебаҳо фазилатидир. Партия уни айни реал тарзда ривожлантириш ва чуқурлаштиришга жуда катта аҳамият бермоқда. Бу масалани Марказий Комитетнинг 1984 йил апрель Пленуми нақадар жиддий тарзда қўйгани сизларга яхши маълум. Бу масалани ҳал этиш бевосита Советларнинг ишини кучайтиришга қаратилган. Бу соҳадаги вазифа шундан иборатки, давлат ҳокимиятининг мана шу оммавий органлари ўзларининг ҳамма конституцион ваколатларидан амалда фойдаланишни ўрганиб олсинлар. Партия шу вазифани касаба союзлари, комсомол, меҳнат коллективлари учун, худди шунингдек халқ контроли учун ҳам актуал деб ҳисоблайди. Умуман гап халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариши бунёдкорлик кучини кенг жабҳа бўйлаб авж олдириш тўғрисида бормоқда. Жамиятимизнинг сиёсий системасини такомиллаштиришнинг моҳияти ҳам мана шундан иборат. Бу — сиёсий системани социализм идеалига яқинлаштиришнинг ўзгинасидир.

Умуман, ўртоқлар, бизда социализмнинг олий нормаларини назарда тутиб иш кўриш одат бўлиб қолиши керак. Эришилган натижаларни баҳолашда шу олий нормаларни асло унутиб бўлмайди. Бугунги практикани ҳам, келгуси режаларни ҳам шу олий нормаларга таққослаш лозим. Сизларнинг фаолиятингиз учун эса буни энг биринчи вазифа деса бўлади. Зеро, пировард натижада, халқ контроли социализмнинг табиатига зид бўлган, унинг принципларига тўғри келмайдиган ҳамма камчиликларни аниқлаш ва тугатишга ёрдам бериш учун яшайди.

Масалан, социализмнинг биз учун муқаддас бўлган: ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига қараб, деган принципини олиб кўрайлик. Бу — айни бизнинг ишчилар синфимиз, халқимиз тарихда биринчи бўлиб орзудан шонли ҳақиқатга айлантирган социал адолат негизларининг негизидир. Бироқ бу ғалабанинг бутун улуғлигини англаган ҳолда, уни ҳам эҳтиёт қилиб асраш, ҳам ривожлантириш кераклигини унутмаслик лозим. Бизнинг бой тажрибамиз «меҳнатга қараб» принципига риоя этилиши ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиш кераклигини кўрсатиб турибди. Акс ҳолда бу принципни бузиш ҳолларига дуч келиниши мумкин. Бу эса экономикамизга катта зиён етказади. Бу бузишларнинг айримлари совет кишиларини жуда қаттиқ ғазаблантиради, бизнинг адолат тўғрисидаги тушунчамизга асло тўғри келмайди.

Хўш; булар қандай ҳодисалар? Бу ҳодисалар бизда кўпинча «текисчиликка мойиллик», «даромаддан ортиқ буромад» деган иборалар билан ифода этилади. Назаримда, бу — юмшоқ сўзлар. Бу сўзлар замирида яшириниб ётган моҳиятга назар ташланса, булар ҳаддан ташқари мулойим сўзлардир.

Текисчиликка мойиллик — дангаса, бракчига саховатпешалик қилишга ва айни вақтда яхши, диёнатли ходимни хафа қилиш, камситишга мойилликдир. Ҳали кўпинча, айтайлик, ишлаб чиқариш илғорларига ҳам, қолоққа ҳам бир хил миқдорда мукофот ёзилаётганлигини биласизлар. Афсуски, кўп кишилар буни кўриб кўрмасликка олмоқдалар. Айрим ҳолларда халқ контроли ҳам, чамаси, буларни майда ва жузъий нарсалар жумласига қўшиб, бундай фактларга бепарволик билан қарамоқда. Аслида эса бу — социализмнинг энг муҳим принципидан қўпол равишда чекинишдир.

Бизда бутун кучини сарфлаб меҳнат қилаётган киши ҳамиша ва ҳамма ерда иш ҳақида ҳам, уй-жой, йўлланма тақсимланишида, бошқа социал неъматлар берилишида ҳам сезиларли имтиёзлар билан таъминланиши керак. Илгари ҳам гапириб ўтишимизга тўғри келган фикрни такрорлаяпман. Аммо, сизларнинг ҳузурингизда атайин такрорлаяпман, чунки халқ контролининг вазифаси — социалистик тақсимот принципининг мажбурий нормаларига амалда қандай риоя этилаётганлигига доимо кўз-қулоқ бўлиб туришдан иборат. Лениннинг сўзлари билан айтганда, истеъмол меъёри меҳнат меъёри билан қандай конкрет боғланаётганини текшириб туриш керак.

Энди «даромаддан ортиқ буромад» деган машъум иборага ўтайлик. Агар бу ҳолатни ўз номи билан атайдиган бўлсак, ахлоқсизликгина бўлиб қолмай, баъзан жиноятдан иборат бўлган текинхўрлик ҳодисалари ҳақида гапирмоқчиман. Дардини яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деганларидек, ҳозирча шу ҳодисаларни тугатишга муваффақ бўлинмади. Бошқаларнинг ҳисобига, жамият ҳисобига ҳузур-ҳаловатда яшашга интиладиган ва шундай яшаб келаётган кишилар ҳали ҳам учраб туради. Бундай ҳодиса социалистик жамиятимизнинг биронбир нормасига ҳам мос келмаслиги равшан.

Кейинги йилларда биз, иборали қилиб айтганда, уйимизда тартиб ўрнатишга қаттиқ киришдик. Порахўрлик ва чайқовчиликка, социалистик мулкни талон-торож қилиш ва ўғирлашга, лавозимни суиистеъмол қилишга чек қўйишдан иборат аниқ вазифа белгилаб берилди. Биз қонунчиликни мустаҳкамлаш учун, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларимизнинг ишини яхшилаш учун, раҳбар ходимларнинг масъулиятини ошириш учун, умумий уюшқоқлик ва интизом учун курашни кескин кучайтирдик. Бу соҳада партия билан давлатнинг марказий органлари бир қанча амалий чораларни кўрдилар. Айрим жойларда, масалан, Краснодар ўлкаси, Ўзбекистон, Ростов областининг бир қанча ходимларига нисбатан бўлганидек анча кескин чоралар кўрилди.

Бу йўлни халқимиз маъқулламоқда, қўллаб-қувватламоқда. **(Қарсаклар).** Бироқ бу йўлни умуман эмас. тантанали ваъдалар билан эмас, балки конкрет ҳаракатлар билан, доимо, мунтазам равишда қўллаб-қувватлаш кераклигини ҳамма ҳам астойдил англаб олдимикан, — деган савол туғилади. Халқ контролининг раҳбарлари ва активлари бўлган сиз ўртоқларга ҳам шу савол берилади. Бу савол сизларга айниқса тааллуқлидир. Чунки халқ ўзининг қадр-қимматини ва виждонини таҳқирлайдиган ҳодисаларга дуч келганида ўз контролёрларимиз, яъни айни **халқ** контролёрлари қаёққа қарамоқдалар, деб тўла асос билан ажабланади. Халқ депутатлари Советларига, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларга, бошқа давлат ва жамоат ташкилотларига нисбатан ҳам мана шундай талаб қўйилади, албатта. Аммо бу нарса сизларнинг зиммангизга тушадиган масъулиятни сира камайтирмайди. Сизларнинг бевосита бурчингиз — камчиликларга ва тартибсизликларга қарши амалий иш билан эмас, балки фақат оғиздагина курашилаётган жойларда ўзларингизнинг катта ҳуқуқларингизни қатъият билан ишга солишдан иборат.

Уртоқлар, кўп йиллар мобайнида алкоголни суиистеъмол қилишга қарши амалга оширилаётган чораларнинг унчалик натижадор эмаслиги жиддий ташвиш туғдирмоқда. Спиртли ичимликка ружу қилиш одамларнинг соғлиғини ҳароб этади, хонадонга кулфат келтиради. Ишлаб чиқаришга ҳам ичкиликбозлик бир талай зарар етказади. Умуман турмуш тарзимизга доғ туширади. Чамаси жамиятни бу балойи азимдан халос қилиш мақсадида янада сабот билан ва янада пухта ўйлаб ҳаракат қилиш пайти келди. Халқ контроли ҳам ичкиликбозликка қарши кураш самарали бўлиши учун, бу кураш расмий «тадбирлар»дангина иборат бўлиб қолмаслиги учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишига аминман.

Контрол қилиш — аввало одамлар билан жонли иш олиб бориш, демакдир. Бу ўринда қатъият, талабчанлик ва айни вақтда хайрихоҳлик билан моҳирона ёндашиш жуда муҳимлигини тажриба кўрсатиб турибди. Барчага баравар ишончсизлик ва шубҳа-гумон билан қараш халқ контроли вакилларига ёт хусусиятдир.

Контрол қилиш иши турмушимиздаги катта ва кичик қусурларни аниқлаш ва айбдорларнинг жазосиз қолишига йўл қўймаслик билангина чекланиши мумкин эмас. Ленин контролнинг вазифаси «фақатгина «тутишдан», «фош қилишдан» иборат эмас... ва ҳаттоки асосан бундан иборат эмас, — балки тузата билишдан иборатдир», «зарур бўлган амалий ўзгартишларни ўз вақтида ўтказиш, бу ўзгартишларни амалга ошириш керак», деб таъкидлагани ҳаммамизнинг ёдимизда.

Энг муҳими, нуқсонларни ўз вақтида пайқаб олишдан, бу нуқсонларнинг катта камчиликларга айланиб кетиши олдини олишдан иборат. Нуқсонларнинг, суиистеъмол қилишнинг сабабларини жуда синчиклаб ўрганишга асосий эътиборни қаратиш керак. Ўрганиб бўлинганидан кейин шу асосда салбий ҳодисаларнинг олдини ола биладиган тадбирлар кўрилишига коллектив бўлиб интилиш лозим. Ҳар қандай текширишни албатта охиригача олиб бориш, аҳвол ўзгармагунча чекинмаслик керак. Демак, халқ контролининг ишида текшириш, камчиликларнинг олдини олиш ва тузатиш бир бутун қилиб бирлаштирилиши лозим.

Ўртоқлар, фаолиятингизнинг кўпчилик бўлмаганда ҳам анчагина қисми экономика проблемалари билан, унинг самарадорлигини ошириш ишлари билан боғланган ва бу табиий бир ҳолдир. Биз учун экономика соҳаси — энг муҳим соҳадир.

Ҳозир бу соҳада шу беш йилликни муносиб равишда туғаллаш биринчи даражали вазифадир. Биз ўтмишдаги кўпгина нуқсонларни бартараф этишга эришдик. Бироқ, план топшириқларини, қабул қилган социалистик мажбуриятларни уддалаш учун ҳали жуда зўр бериб куч-ғайрат сарфлаш зарур. Биз мавжуд резервлардан имкони борича кўпроқ фойдаланишга кўмаклашиши лозим бўлган халқ контролининг мана шундай куч-ғайрат сарфлашидан умидвормиз. Бу резервлар эса аввало меҳнатни ташкил этишни янада яхшилаш, интизомни, иқтисодий тежашни мустаҳкамлаш замирида яшириниб ётибди.

Бизнинг ишдаги пухталик ва уюшқоқлик учун авж олдирган курашимиз дуруст самаралар берди. Корхоналар шартномавий мажбуриятларга яхшироқ риоя қиладиган бўлиб қолдилар. Бекор туриш, ишга кечикиб келиш, прогул қилиш ҳоллари анча қисқарди. Ишлаб чиқариш эса бундан дарҳол сезиларли манфаат кўрди. Шундай бўлса ҳам етказиб бериладиган маҳсулотнинг бир қисми кечикиб юборилмоқда, иш вақтининг бир қисми зое ўтмоқда. Мана шу иккала сабабга кўра ўтган йили ҳам, бу йил ҳам неча миллиард сўмлик саноат маҳсулоти камроқ ишлаб чиқарилди.

Капитал қурилишда ҳали ҳам уюшқоқлик етишмаяпти. Кўпинча қурилиш ишлари сифат жиҳатидан паст даражада олиб борилмоқда, уларни бажариш муддатлари барбод бўлмоқда. Бу нарса бизнинг ишлаб чиқариш планларимизга ҳам, меҳнаткашларнинг шахсий манфаатларига ҳам зарба урмоқда. Гоҳ у, гоҳ бу ердаги қурилишларда содир бўлаётган узилишлар ва кемтиклар уй-жой, мактаб бинолари, болалар боғчалари, яслилар етишмаслигини баттар кучайтирмоқда. Ўзларингизга маълумки, яқинда Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволини тузатиб олиш мақсадида бир қанча тадбирларни белгилади. Шу тадбирлар беками-кўст бажарилиши лозим. Бу соҳада ҳам биз халқ контролининг актив кўмагига умид қиламиз.

Хом ашё, материаллар, энергияни исроф қилиш, тежамаслик — хўжалик ишларидаги тартибсизлик кўринишларидан биридир. Завод ҳовлиларида ётавериб занглаб кетган жуда қимматли машина-ускуналарни кўрганингизда ҳар бирингиз чин кўнгилдан ачинишингизга аминман. Ўз вақтида далаларга ташилмаган тоғ-тоғ ўғитлар-чи? Беҳисоб газ ёндириб юборилаётган ва кишини ачинтирадиган машҳур машъаллар-чи? Бундай хўжасизликка халқ контроли актив аралашиши кераклиги равшан.

Тежаш учун курашда ижобий тажрибамиз бор. Лоақал шундай мисолларни айтиб ўтаман. Ўтган уч йил ичида иқтисод қилинган ёқилғи ва энергия шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг тенг ярмини ташкил қилди. Иқтисод қилинган қора металлар эса шу металларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг бутун ҳажмидан ошиб кетди. Бу ютуқларга халқ контроли салмоқли ҳисса қўшди. Бас, шундай экан, ўртоқлар, келинглар, бу ютуқларни бутун чоралар билан кўпайтираверайлик.

Тежамкорлик бутун иқтисодий турмушимизнинг қатъий қонуни бўлиб қолиши керак. Аммо бугун бу қонунга қишлоқ хўжалигида қатъий риоя этилишини таъминлаш нақадар муҳимлигига эътиборингизни алоҳида қаратиб ўтмоқчиман. Ҳосил қийинчилик билан етиштирилади, бинобарин, уни йиғиштириб олиш, ташиш, асрашда озгина бўлса-да, нобудгарчиликка йўл қўядиган кишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Мана, ҳозир ҳам йиғиштириб олинган ҳосилни сақлаб қолиш тўғрисида астойдил ғамхўрлик қилиш лозим. Чорвачиликда эришилган натижаларни бой бермаслик тўғрисида ҳам ўйлаш керак. Кўпайиб бораётган чорванинг қишлови яхши уюштирилишини таъминлаш учун ҳамма чоралар кўрилиши лозим. Бу соҳада халқ контроли кўп ёрдам бериши, кўп иш қилиши мумкин.

Мамлакатимизда маиший хизмат, чакана савдо, пассажир ташиш ҳажми тез ошиб бормоқда, ўртоқлар, меҳнаткашлар эса бу соҳалардаги ишнинг йўлга қўйилиши хусусида ҳақли равишда кўпгина эътирозлар билдиришмоқда. Аҳолига хизмат қилиш соҳасидаги ишда мажбурий тартиб ва нормаларни қўпол равишда бузиш ҳоллари мана шундай эътирозларга ҳаммадан ҳам кўпроқ сабаб бўлмоқда. Инсонга қулайлик яратиб бериши лозим бўлган айрим корхона ва муассасалар одамни чинакам сарсон-саргардонликка дучор қилмоқдалар, кўпдан-кўп қимматли вақтни зое ўтказишга ва асабни бузишга мажбур қилмоқдалар. Ҳаётимизга ғашлик соладиган бундай тартибсизликларга халқ контроли бепарво қарай олмайди. Модомики, бу тартибсизликлар барҳам топмаётган экан, афтидан, бу борада қатъийроқ ҳаракат қилиш керакка ўхшайди.

Қандай шароитда интизом ҳақиқатан ҳам мустаҳкам, иш эса уюшқоқ бўлишини барвақт билиш учун ҳозир тажрибамиз етарлидир. Тарбиявий тадбирлар билан бирга меҳнат, ишлаб чиқариш пухта ташкил этилган жойларда ландовурликка, хўжасизликка бутунлай чек қўйишга муваффақ бўлинмоқда. Масалан, хўжалик ҳисобидаги илғор бригадаларни олиб кўринг. Бу ердагилар прогул нималигини билишмайди, бу ердагилар халқ пулини тийинма-тийин ҳисоблашни билишади. Бу ерда ишга омилкорлик билан қараш, ўзаро ёрдам ва талабчанлик, ўзаро контроллик бир бутун қилиб бирлаштирилган. Бу ерда ҳамма — хўжайину, ҳамма — контролёр деса бўлади.

Бундай бригадаларнинг ташкил этилиши — халқ хўжалигини жадал интенсивлаш учун зарур бўлган иқтисодий шарт-шароитларни яратиш соҳасида қунт билан қилинаётган катта ишнинг бир қисмидир. Бу иш ҳозир кўп соҳаларни, шу жумладан бир қанча тармоқларда ўтказилаётган кенг миқёсдаги иқтисодий экспериментни ўз ичига олади. Маълумки, шу эксперимент давомида ҳуқуқ ва масъулиятни марказий бошқарув органлари билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида тўғри тақсимлаш имконини берадиган янги хўжалик механизми элементлари амалда пухталаштирилмоқда. Планлаштиришни ва бошқарув структурасини жиддий равишда яхшилаш, ҳар бир ходимнинг шахсий манфаатдорлиги ва ўз меҳнати учун масъулияти қудратли омилларини ҳаракатга келтириш ҳақида гап бормоқда.

Партия бу катта ишга зўр аҳамият бермоқда. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш масалалари билан шуғулланувчи комиссияси тузилган ҳамда ишлаб турибди. Хўжалик механизмини қайта қуриш юзасидан батафсил, пухта ўйланган таклифларни ишлаб чиқиш жуда муҳим иш эканини яхши тушунасизлар.

Ўртоқлар! Ўз тажрибангиздан биласизларки, халқ контроли партия комитетларининг, Совет ҳокимияти органларининг бутун зарур мададидан баҳраманд бўлган тақдирда унинг таъсири ва обрўси кўп ҳисса ортади. Партия билан давлат халқ контролини умумпартиявий, умумдавлат ишимизнинг жуда муҳим участкаси деб, унга кун сайин ёрдам беришни эса ўзларининг масъулиятли вазифаларидан бири деб биладилар. Боз устига бошқарув мактаби, совет кишиларини актив гражданлик позициясида туриш руҳида тарбиялаш мактаби бўлмиш халқ контролининг роли ҳам шу тариқа ортиб бораверади.

Партия ўзининг барча комитетларидан, коммунист раҳбарлардан халқ контролёрларига жуда эътибор билан, жуда ҳурмат билан муносабатда бўлишни қаттиқ талаб қилаётганлигининг сабаби ҳам мана шу. Ленинча иш услубини эгаллашда, катта ва кичик ҳар қандай ишда коллективга, теварак-атрофдагиларнинг билими ва тажрибасига таянишда, одамларнинг кайфиятини ва талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олишда уларга меҳрибонлик билан ёрдам бериш лозим. Ҳар бир халқ контролёри юксак сиёсий ва профессионал маданият намунаси, ҳалоллик, принципиаллик, пок виждонийлик тимсоли бўлиши керак. Халқ контролёри халқ номидангина эмас, халқ манфаатлари, ҳар бир меҳнаткаш манфаатлари йўлида ҳаракат қилади. Шу сабабли унинг фикрлари, хулосалари, унинг ҳар бир қадами бенуқсон бўлиши керак. Ишчанлик нуқтаи назаридан ҳам, адолат нуқтаи назаридан ҳам бенуқсон бўлиши лозим. Социалистик қонунчилигимиз нуқтаи назаридан ҳам бенуқсон бўлиши кераклиги ўз-ўзидан равшан.

Халқ контроли ходимлари, унинг назоратчилари ишни ҳамиша охирига етказишлари, Ленин таълим бергандек, ҳақиқий ижрони текширишни диққат марказига қўйишлари лозимлиги ҳақида гапириб ўтдим. Айни шу ишда уларга партия комитетлари, халқ депутатлари Советлари кўпроқ ёрдам беришлари лозим. Халқ контролининг сигналлари ва таклифлари асосида аввало ишчанлик билан, оператив чора кўрилиши керак.

Халқ контроли партия контроли органлари билан, халқ депутатлари Советларининг комиссиялари, жамоат контроли активлари билан мустаҳкам биргаликда ҳаракат қилган тақдирда унинг самарадорлиги сезиларли равишда ортиши шубҳасиз.

Баъзан реал контроллик ўрнига қоғозбозлик орқали контроллик қилинаётганлиги сир эмас. Шундай ҳам бўладики, корхона ва муассасалардан ҳаддан ташқари кўп маълумотлар, ҳисоботлар, ёзма тушунтириш хатлари талаб қилинади. Одатда, шу яроқсиз усул ёрдамида ишлари текширилмоқчи бўлган кишиларнинг ўзлари шу қоғозларни тузадилар. Натижада расмий қуруқ хатлар, баъзан эса, Ф. Э. Дзержинскийнинг ибораси билан айтганда, «усталик билан тўқилган ёлғон» юзага келади. Бундай бюрократларча нотўғри усулга қарши қатъиян курашиш керак.

Эҳтимол, турли-туман текширишларни мувофиқлаштириб олиб боришда ҳам халқ контролига ёрдам бериш жоиздир. Ҳозирча шу ишда кўпгина уюшқоқсизлик, тартибсизлик мавжуд. Шундай ҳам бўладики, бир комиссия завод эшигидан чиқиб кетмай туриб иккинчи комиссия кириб келади, ҳаш-паш демай учинчиси эшик қоқади. Буларнинг ҳаммасини бир хил масалалар қизиқтиради. Бундай практика меҳнат коллективларини асабийлаштиради, уларнинг ишига халақит беради. Хуллас ревизияларнинг ташкил этилишини тартибга солиш зарур. Дарвоқе, бундай қилиш текширилувчиларнинг ҳам, текширувчиларнинг ҳам масъулиятини ошириш имконини беради.

Умуман, ўртоқлар, партия ва совет органларининг зарур ёрдами ва мадади билан халқ контролимиз давлат аппаратининг ишини яхшилаш учун, бу аппаратнинг ишида расмиятчилик, қоғозбозлик ва сансалорлик бўлмаслиги учун кўп иш қилиши мумкин.

Яна бир нарса ҳақида — халқ контролёрларига ва уларнинг мулоҳазалари ва таклифларига ишлари текширилаётганлар томонидан бўладиган муносабат ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Мансабдор шахсларнинг мутлақ кўпчилиги халқ контролёрларининг текширишлари ва хулосаларини, маслаҳатларини принципиал, ўз-ўзини танқид руҳида қабул этишларини биласизлар. Бироқ, халқ контролёрларини, юмшоқ қилиб айтганда, писанд қилмайдиган, уларнинг тавсияларини эса ўз обрўсига оз бўлмаса тажовуз деб биладиган ходимлар борлигини ҳам биласизлар.

Бу — бизнинг партиявий позициямизга зиддир. КПСС халқ контроли органларининг жамиятимиз манфаатларига зид бўлган нарсаларнинг ҳаммасига қарши, шу манфаатларнинг зарарига, қонунга хилоф равишда ҳаракат қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши дадилроқ, қатъийроқ чиқадиган бўлишларини талаб қилиб келди ва шуни талаб қилаверади. Бундай уринишлар қаерда ва ким томонидан содир бўлмасин, уларга қарши курашда халқ контролёрлари жуда катта роль ўйнайдилар. Улар шу ролни ҳамиша муносиб бажараверадилар, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсизлар.

Контроллик иши алоҳида характерга эга бўлиб, алоҳида чиниққан одамларни талаб қилади. Бу кишилар кўзи ўткир, омилкор, ишга чуқур кириб бора оладиган, ҳамма нарсани миридан-сиригача холисона текширадиган бўлишлари керак. Ҳадиксираш, кибр-ҳаво, манманлик иллатлари уларга ётдир.

Ўртоқлар, баъзан шундай хаёлга бораман: халқ контролёри қийин вазиятларга ҳам тушиб қоладику, ахир. Айтайлик, текшириш ўтказилди, маъмурият шаънига жиддий эътирозлар билдириш учун материал тўпланди. Ўз бошлиқларини юзхотирсиз танқид қилиб чиқишга тўғри келади. Сирасини айтганда, бундай қилиш мардликни, руҳий бардамликни, сабр-матонатни талаб қилади. Бирон бир кимса, хўш, нима, сенга ҳаммадан кўра кўпроқ керакми? — деган пасткаш саволни бепарволик билан бетга айтган ҳолларда ҳам шундай хислатлар керак бўлади.

Халқ контролёри ҳамиша, ҳамма жойда, ҳар қандай вазиятда — курашчидир. У доимо толмас курашчи бўлиб қолаверсин! **(Қарсаклар).**

Азиз ўртоқлр, сизларни ишонтириб айтаманки, партия сизларнинг катта, фахрли ва жуда керакли ишингизни юксак қадрлайди, халқ контролининг кучига, унинг ҳозир олдимизда турган ва келажакда ҳам турадиган масъулиятли вазифаларни ҳал этишдаги ёрдамига қаттиқ умид қилади. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

(Боши биринчи бетда).

Сиёсий бюро мажлисида яна бир бор шу нарса таъкидлаб ўтилдики, СССР билан Финляндия ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома асосида ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган йўл бундан буён ҳам Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолаверади.

Сиёсий бюро СССР делегациясининг БМТ Бош Ассамблеяси 39-сессиясидаги фаолияти тўғрисида Сиёсий бюро аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг ахборотини тинглаб, маъқуллади. Совет Иттифоқининг актив ва амалий позицияси, аввало, халқаро вазиятни соғломлаштириш, қуролланиш пойгасини, биринчи навбатда ядро қуроли билан қуролланиш пойгасини тўхтатиш, давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш учун принципиал аҳамиятга эга бўлган масалалар сессиянинг диққат марказида бўлишига кўмаклашганлиги қайд этиб ўтилди.

Космик фазо ҳарбийлаштирилишининг олдини олиш ва ундан фақат инсон бахт-саодати йўлида фойдаланиш, шунингдек халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш юзасидан, давлат терроризми сиёсатига қарши Совет Иттифоқи БМТда олға сурган янги катта ташаббуслар кенг кўламда маъқуллаб кутиб олинди.

Мажлисда А. А. Громико БМТ Бош Ассамблеясининг сессияси муносабати билан АҚШда бўлган вақтида чет эллик давлат арбоблари билан учрашувлари чоғида амалга оширилган катта иш қайд этиб ўтилди.

АҚШ президенти Р. Рейган билан, Американинг бошқа вакиллари билан ўтказилган суҳбатлар Совет Иттифоқи Америка томони билан жиддий, амалий мулоқотга тайёр эканининг ифодаси бўлди. Шуни қайд этиб ўтишга тўғри келадики, Совет-Америка муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан кенг кўламда ўтказилган фикрлашувларда ва шу муносабат билан дунёдаги ишларнинг аҳволи тўғрисидаги фикрлашувларда Америка томонининг ўз сиёсати йўлини реализм ва тинчликсеварлик томон ҳақиқатан ҳам буриб юбориш нияти борлигидан далолат берувчи белгилар аниқланмади. Америка томони СССР билан бирмунча конструктив муносабатларини ёқлаб айтган умумий характердаги баёнотлар конкрет ҳаракатлар билан мустаҳкамланмаяпти.

Ялпи хавфсизлик манфаатлари, барча халқларнинг манфаатлари АҚШ маъмуриятининг ҳозирги йўли ўзгартирилишини қатъий тақозо этмоқда. Бу йўл дунёдаги кескинлик хатарли равишда кучайиб кетишига, халқаро муносабатларнинг издан чиқишига олиб келди. Совет-Америка муносабатларини тенглик, ўзаро ҳурмат ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принциплари асосида нормаллаштириш шубҳасиз, иккала мамлакат халқларига наф келтиришига ва умуман дунёдаги вазиятга қулай таъсир ўтказишига Совет Иттифоқининг ишончи комил. АҚШ ҳукумати шундай ҳаракат қилишга тайёр бўлган тақдирда совет томони бунга ҳамиша муносиб жавоб қайтаради.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси Байкал-Амур темир йўл магистралида бош темир йўл муддатидан илгари ётқизиб бўлинганлиги ва шу магистралда поездларнинг иш қатнови очилганлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Мажлисда бош темир йўл қуриб битказилганлиги ҳамда бутун БАМ бўйлаб поездларнинг иш қатнови очилганлиги катта сиёсий ва халқ хўжалик аҳамиятига эга эканлиги қайд этиб ўтилди.

10 йил ичида магистрал трассасида ғоят катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Йўл полотносига 570 миллион кубометрдан ортиқ тупроқ ётқизилди, 4200 га яқин кўприк ва бошқа иншоотлар барпо этилди, 5 минг километрдан зиёд асосий ва станция темир йўллари ётқизилди. Янги шаҳарлар ва обод посёлкалар барпо этилмоқда. Жами 400 миллион сўмликдан ортиқ умумий саҳни 570 минг квадрат метрдан кўпроқ капитал уй-жой бинолари ва кўп миқдорда бошқа социал-маиший объектлар фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга мажлисда магистрал қурилишини туғаллашга доир кейинги ишларни кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси Рассомлар союзи (СССР Бадиий фонди)нинг кучлари билан 1984—85 йилларда аҳолига сотиш учун мўлжалланган бадиий асарлар ва буюмларни ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилишни кўпайтириш, шунингдек меҳнаткашларнинг турли бадиий ишларни амалга оширишга доир буюртмаларини бажариш юзасидан аҳолига хизмат кўрсатишни анча кенгайтириш тўғрисида СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан таклифларни кўриб чиқиб, маъқуллади.

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг мажлисида Совет Иттифоқи ички ва ташқи сиёсатига доир бир қанча бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

# НАЗОРАТЧИЛАРНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларига мувофиқ халқ фаровонлигини ошириш учун кўп ишлар қилинмоқда, аҳолининг молларга ва турли хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун катта-катта чора-тадбирлар кўрилмоқда. Сифатсиз буюмлар ишлаб чиқарилишига мутлақо йўл қўймаслик назоратчиларнинг энг биринчи вазифасидир. Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат соҳасида контролни ташкил этишни тубдан яхшилаш зарур. Социал ҳаётнинг соғлиқни сақлаш, маданият ва маориф каби соҳалари ҳам назоратчиларнинг кўпроқ ғамхўрлик қилишларини талаб этади.

Докладчи капитал қурилиш планларининг амалга оширилиши муносабати билан халқ контролёрларининг вазифаларига батафсил тўхталиб, уй-жойларни барпо этиш сифати масалаларига алоҳида эътибор берди. У бир қанча областларнинг раҳбарларини кескин танқид қилди.

Партия ташкилотларининг ёрдамига таяниб, ҳамма жойда группалар ва постларга амалий раҳбарликни таъминлаш, барча халқ контролёрлари зўр ғайрат билан ишлашларига, ҳар қандай бузилишларга қарши жанговар руҳда курашишларига сабот билан эришиш керак.

Пировардида А. М. Школьников халқ контроли коммунистик қурилиш вазифаларини амалга ошириш учун курашда бундан буён ҳам партия билан давлатнинг ишончли ёрдамчиси бўлади, деб мамлакат халқ контролёрлари номидан ваъда берди.

Назоратчилар халқ хўжалигининг энг муҳим вазифаларини ҳал эта бориб, экономикани янада юксалтиришга, совет халқи фаровонлигини оширишга, Ватан қудратини кучайтиришга яна ҳам салмоқли ҳисса қўшадилар.

Ворошиловград областидаги «Краснодонуголь» бирлашмасига қарашли «Молодогвардейская» шахтасининг бош технологи, халқ контроли группасининг раиси **И. Г. Гапенко**, Тошкент областидаги Ленин номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи, халқ контроли группасининг аъзоси **А. Рўзматова**, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими ноорганик химия институтининг илмий ходими, халқ контроли группасининг аъзоси **Л. И. Осадчая**, СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги бош план-экономика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, халқ контроли комитетининг раиси **Ю. М. Мазурковский** ва бошқа нотиқлар кенгаш минбарида туриб мана шулар ҳақида гапирдилар.

Ленинграддаги «Киров заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг вальцовкачиси, халқ контроли комитетининг аъзоси **И. Я. Прокофьев** жумладан Ленинград ва область назоратчилари асосий куч-ғайратларини «Интенсивлаш-90» территориал-тармоқ перспектив программасининг амалга оширилиши устидан контролликка қаратаётганликларини қайд этиб ўтди.

Нотиқлар тежамкорлик режимига қатъиян риоя этишда халқ контролёрларининг ролини ошириш масалаларига кўп эътибор бердилар. Нефть ва газ қудуқларини пармалаш, нефть-газ, қувурларини ётқизиш, бошқа ишлаб чиқариш объектлари ва уй-жойларни қуриш, машина ва механизмларни тайёрлаш чоғида кўп миқдорда металл нобуд бўлаётганлиги фактини хўжасизликдан бошқа нарса деб бўлмайди, деб таъкидлади Магнитогорск металлургия комбинатининг пўлат қуювчиси, халқ контроли постининг аъзоси **В. А. Голубков.** Буларнинг ҳаммаси учун ҳар бир бепарво ходим жуда қаттиқ жавоб бериши керак.

Кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг давлат интизомини, меҳнат ва план интизомини янада мустаҳкамлашга қаратилган йўлини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Қурилишнинг барча бўғинларида интизомни кучайтиришни ишдаги асосий вазифа деб ҳисоблаймиз, деди «Центробамстрой» трестига қарашли 544-қурилиш-монтаж поездининг бригадири, халқ контроли группасининг раиси **В. А. Донской.** Биз ҳар бир текширув якунларини чуқурроқ анализ қилиб, бузғунчиларга нисбатан талабчанликни оширадиган бўлиб қолдик. Кейинги бир ярим йил ичида бизда прогуллар ва иш вақтининг зое кетиши икки баравар камайганлиги тасодифий эмас.

Совет касаба союзлари, деди ВЦСПС раиси **С. А. Шалаев**, давлатимиз вужудга келган дастлабки кунлардан бошлаб ишлаб чиқариш ва тақсимлаш устидан ҳамма жойда, ёппасига, универсал, умумхалқ контроллиги тўғрисидаги ленинча ғояни амалга оширишда ғоят бевосита ва актив иштирок этиб келмоқдалар. У ишлаб чиқаришда ҳам, шунингдек тақсимлаш соҳасида ҳам таъсирчан ишчи контроллигини ташкил этиш учун меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонундан тўлиқроқ фойдаланиш муҳимлигини қайд этиб ўтди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. М. Мишин** ўз нутқини халқ контроли органларининг фаолиятида комсомоллар ва ёшларнинг иштирокига бағишлади.

Нотиқлар халқ контроли органлари фаолиятининг услуб ва методларини такомиллаштиришга, назоратчилар ишида ошкораликни кучайтиришга эътиборни жалб қилдилар. Улар меҳнат коллективларида активлар ўз жамоат вазифаларини қандай бажараётганликлари тўғрисида уларнинг ҳисоботларини мунтазам суратда тинглаб туриш, уларни конкрет экономика билимлари, амалий иш тажрибаси билан қуроллантириш зарурлиги тўғрисида гапирдилар.

Кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига, ўртоқ К. У. Черненкога баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

(ТАСС).

